

863 - وَعَنِ الطُّفَيْلِ بْنِ أَبَيْ بْنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ كَانَ يَأْتِي عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَيَعْدُ مَعَهُ إِلَى السُّوقِ، قَالَ: إِنَّا غَدَوْنَا إِلَى السُّوقِ لَمْ يَمْرُ عَبْدُ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ عَلَى سَقَاطٍ، وَلَا صَاحِبٌ بِيَعْةٍ وَلَا مِسْكِينٍ، وَلَا أَحَدٌ إِلَّا سَلَّمَ عَلَيْهِ، قَالَ الطُّفَيْلُ: فَجِئْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ يَوْمًا فَاسْتَبَّعْنِي إِلَى السُّوقِ فَقُلْتُ لَهُ: مَا تَصْنَعُ بِالسُّوقِ وَأَنْتَ لَا تَقِفُ عَلَى الْبَيْعِ وَلَا تَسْأَلُ عَنِ السِّلَعِ، وَلَا تَسْوُمُ بِهَا، وَلَا تَجْلِسُ فِي مَحَالِسِ السُّوقِ؟! وَأَقُولُ: إِجْلِسْ بِنَا هُنَّا تَسْخَدْنُ، فَقَالَ: يَا أَبَا بَطْنِ - كَانَ الطُّفَيْلُ ذَا بَطْنٍ - إِنَّمَا تَغْدُو مِنْ أَجْلِ السَّلَامِ، تُسَلِّمُ عَلَى مَنْ لَقِيَنَا. رَوَاهُ مَالِكٌ فِي «الْمُوَطَّأِ» . [2/961] بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ

863. Туфайл ибн Убай ибн Каъбдан ривоят қилинади:

Бу киши Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳузурларига келиб, у зот билан бирга бозорга боришар эди. Туфайлнинг айтишларича, «Бозорга борарканмиз, Абдуллоҳ бирор паст навли нарсаларни сотовучи ёки савдо ҳолатидаги дўкондор ёки бирор мискинга ёки бирор кимсага йўлиқсалар, уларга салом берардилар». Туфайл айтдилар: «Кунларнинг бирида Абдуллоҳ ибн Умарнинг олдилариiga келдим. Мени ўзлари билан бозорга олиб бордилар. У кишига: «Бозорда нима қиласиз, барибир олди-сотди қилмасангиз, нархларини сўраб, баҳолашмасангиз ва бозор мажлисларида ўтирамасангиз?» десам, у киши: «Сен ўтир, бу ҳақда ана бу ерда гаплашамиз», дедилар-да, «Я абобатн» («эй қорин отаси»), дедилар (яъни, Туфайлнинг қоринлари катта бўлгани учун шундай атадилар). «Биз бу ерга салом сабабли, яъни йўлиққан кишиларимизга салом бериш учун келамиз», дедилар».

Ином Молик «Муватто»ларида саҳих иснод билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам суннатларини тирилтириш учун бирортасини қолдирмай мана

шундай амал қилишда бошқа саҳобалардан ажралиб турардилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу саҳобалар ичидә ўз тақвоси, илми ва каттаю кичик ҳар бир нарсада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қилғанларини такрорлашлари билан машҳур бўлганлар. Саҳобалардан фақат шу киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, айни ўзини такрорлар эдилар.

Бир куни Ибн Умар улов миниб кетаётиб бир жойга етганда очиқ, ҳеч нарса йўқ жойдан улов устида энгасиб ўтибдилар. Одамлар бу ишнинг сабабини сўрашган экан, бу ерда дараҳт бор эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг остидан ўтганларида ҳозир мен энгашгандек энгашган эдилар. Мен ўша ишни дараҳт кесилиб кетган бўлса ҳам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, такрорладим, деганлар.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Хоҳ танисин, хоҳ танимасин ҳар бир мусулмон кишига салом бериш.
- Бозор Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолинадиган макон. Ушбу ҳолатда одамларга Аллоҳ зикрини эслатиб туриш лозим.
- Бозорда ҳожатини тугатган киши қалби дунё матоларига боғланиб қолмаслиги учун зудлик билан у ердан чиқиб кетмоғи лозим.

Манба: hadis.islom.uz

